

Душанбе шаҳрида «Имом Аъзам Абу Ҳанифа» номидаги Ислом институти очилди



17:51 / 15.09.2025 778

Тоҷикистон пойтахти Душанбе шаҳрида «Имом Аъзам Абу Ҳанифа» номидаги Ислом институтининг очилиш маросими ўтказилди. Ушбу олий ўқув юрти Тоҷикистоннинг Сино туманида жойлашган. Очилиш маросимида Тоҷикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва пойтахт ҳокими Рустам Эмомали иштирок этишди, Бу ҳақда президент матбуот хизмати хабар берди.

Институт президент жамғармаси ва тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш маблағлари ҳисобидан барпо этилди. Ўқув биноси тожик қардошларимизнинг меъморий ва маданий анъаналарига мувофиқ бунёд этилган. Янги иншоотда 2,5 минг талаба таҳсил олиши мумкин.